



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 7 август, № 160 (9331)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАЙЛИК!

ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёевга
6 август куни энергетика
тармоғи олдига қўйилган
вазифаларни амалга ошириш
чора-тадбирлари юзасидан
ахборот берилди.

Жорий йил 27 июль куни давлатимиз раҳбари раслигида ёқилғи-энергетика тармоғидаги устувор масалалар бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Унда соҳадаги бошқарув, жойларда электр ва газ таъминоти барқарорлиги, авариялар ҳамда энергия йўқотишларини қисқартириш борасидаги ишлар таққидий таҳлил қилинди.

Хусусан, электр ва газ таъминоти билан боғлиқ ишларни туманбай ва маҳаллабай ташкил этиш, ҳудудларнинг энергия истеъмоли балансини шакллантириш, тармоқлар ва ускуналарни хатловдан ўтказиш, куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик қўриш, рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни кенг жорий этиш бўйича вазифалар белгиланган эди.

Тақдиротда Энергетика вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти ва Ўзнергоинспекция янги раҳбариятининг мазкур топшириқлар ижросини ташкил этиш борасида олиб бораётган ишлари ҳамда келгуси режалари қўриб чиқилди.

Жумладан, ҳозирда Янгийўл туманида электр ва газ таъминотини яхшилаш бўйича махсус штаб фаолият юритмоқда. У ерда тадбиркорлар ва аҳоли билан очик мулоқотлар ўтказилиб, узилтишлар, қувват етишмаслиги, газ босимининг пасайиши, техник шартлар олиш ва қарздорлик билан боғлиқ муносабатлар бевосита ўрганилмоқда.

Янгийўл тумани тажрибаси асосида бошқа 13 та туманда ҳам ушбу ёндашувдаги намунавий тизим яратиб, кейинчалик уни бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиш режалаштирилган.

Тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларига улаш учун техник шартларни расмийлаштириш жараёнининг қонунийлиги ва шаффофлигини таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш чоралари кучайтирилмоқда.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида муаммолар тармоқлар ва ускуна-

ларни янгилаш, энергия йўқотишларини камайтириш, энергия самарадорлиги чораларини қўриш, авариявий узилтишлар сабабларини бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, соҳа ходимларига вазифаларни электрон тизим орқали етказиш, ижросини назорат қилиш ва фаолият самарадорлигини аниқ кўрсаткичлар асосида баҳолаш механизмлари ишлаб чиқилмоқда.

Энергетика вазирлигига тармоқда ягона ва самарали бошқарув тизимини шакллантириш, соҳа корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини тизимли ташкил этиш вазифалари юклатилди.

“Худудий электр тармоқлари”га жойларда электр таъминоти барқарорлигини ошириш, инфратузилмани босқичма-босқич модернизация қилиш, авариявий узилтишларни камайтириш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш топширилди. Ўзнергоинспекция зиммасига энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш устидан назоратни қўйиштириш, техник талабларга риоя этилишини таъминлаш, йўқотишларни қисқартириш ва йирик истеъмоилчиларни энергия аудитидан ўтказишни жаллаштириш вазифалари қўйилди.

Табиий газ етказиб бериш имконияти чеklangан маҳаллаларни мавсумга тайёрлаш, суолтирилган газ таъминотида ҳусусий секторни кенг жалб қилиш, соҳадаги жараёнларнинг мониторингини юртида сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари барча чораларни манзилли ва аниқ ҳисоб-китоблар асосида амалга ошириш, аҳоли ҳамда иқтисодиёт тармоқларини электр ва газ билан барқарор таъминлаш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Ў.А.



ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМ ЭТГАН ИМКОНИЯТ

ТАДБИРКОРЛИК ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ ВА
УНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ ЕТАКЧИ КУЧГА АЙЛАНДИ



Дилрабо Равшанова Миришкор туманининг Миришкор маҳалласида яшайди. Авваллари иш деса, фақат рўзгор юмушларини тушунган бу аёл бугун маҳалласида янги очилган тўқимачилик корхонасида меҳнат қилмоқда.

Бугун Қашқадарёда ҳам Дилрабо Равшанова каби фаровон ҳаётдан масрур, замонавий муассасаларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар кам эмас. Боиси сўнгги йилларда вилоят иқтисодиётида жуда катта трансформация амалга оширилди. Натижада илгари иқтисодиёти фақат ер ости минералла-

рию аграр соҳага боғланиб қолган ҳудуд бугун саноатлашган, тадбиркорликнинг барча йўналишлари жадал ривожланиётган илгор ҳудудга айланди.

Масалан, саноат соҳасини олайлик. 2018 йил бошида вилоятда фаолият юритаётган саноат корхоналари сони 2 мингдан ошдики ташкил этган бўлса, бугун бу рақам 3 149 тага етди. Жорий йилнинг дастлабки олти ойида улар томонидан 25 трлн. 510,3 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан

ўсиш суръати эса 108 фоиздан ошдики ташкил этмоқда. Бу каби юқори натижаларда тадбиркорлик субъектларининг улуши тобора ортиб бораётгани, айниқса, қувонарлидир.



МАҚСАД – БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ САЎЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ

Кеча Олий Мажлис Сенатида Барқарор ривожланиш мақсадлари ойлгига расман старт берувчи “Барқарор ривожланиш мақсадлари: миллий тараққиётнинг янги босқичи” мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Конференция

Унда парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси вакили, Парламентларо Иттифок қотибяти раҳбарияти ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва тадбиркорлар иштирок этди.

Тадбирни Олий Мажлис Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожлантириш соҳасидagi миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси ҳамраиси Танзила Норбоева очди.

Таъкидланганидек, Барқарор ривожланиш мақсадлари ойлгига давомиди республика бўйлаб юзлаб тадбирлар ташкил этилади. Жумладан, парламент эшитувлари, маҳаллий

Кенгашлар сессиялари, илмий-амалий конференциялар, форумлар, давра суҳбатлари, очик мулоқотлар, маҳаллаларда учрашувлар, тарғибот тадбирлари, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда махсус медиалойиҳалар амалга оширилади. Ушбу ойллик аҳолида БРМ ғояларига дахлдорлик ҳиссини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарасини кенг намоён этиш ва умумий мақсадлар йўлидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун ўтказилади.

Конференцияда сўзга чиққан маърузачилар, хорижий ва миллий экспертлар таъкидлаганидек, мамлакатимиз 16 та миллий барқарор ривожланиш мақсади ва 126 та вазифани қабул қилиб, уларни “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг устувор йўналишлари билан тўлиқ уйғунлаштирган.

Мазкур стратегик ёндашув асосида амалга оширилган изчил

ислохотлар натижасида Барқарор ривожланиш мақсадларининг 70 фоиздан ортиги бўйича сезиларли ижобий натижаларга эришилди, 45 фоизи бўйича эса белгиланган кўрсаткичлар тўлиқ рўёбга чиқарилган.

Хусусан, камбағаллик даражаси 2021 йилдаги 17 фоиздан 2025 йил якунида 5,8 фоизга қисқарган. Мактабгача таълим билан камров 27,7 фоиздан 78 фоизга, олий таълимда эса бу кўрсаткич 8,3 фоиздан 47,7 фоизга етказилган. Давлат бошқарувида хотин-қизлар улуши 27 фоиздан 35 фоизга ошгани ҳолда Қонунчилик палатасида 38 фоиз, маҳаллий Кенгашларда эса 32,5 фоизни ташкил этмоқда.

Олиб борилган тизимли ва қатъий ислохотлар натижасида 2026 йилда Ўзбекистон Барқарор ривожланиш мақсадлари индексида 167 та давлат орасида 65-урини эгаллади.

Бу натижаларнинг барчаси Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар инсон манфаатларини таъминлаш ва барқарор тараққиётни кафолатлашга хизмат қилаётганининг яққол ифодасидир.

«Халқ сўзи».

Сурур

ЯНГИ ҲАЁТ

Ватан десам дил боғимда баҳор бўлар,
Ўзбекистон олам узра ифтор бўлар,
Айтар сўзим айтмай туриб алёр бўлар,
Ягона халқ, Ватан мадҳин анграмаиз,
Янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!

Маломатлар ҳам миннатлар доми ичра,
Юз ўттиз йил азобларнинг қоми ичра,
Яшаб келдик умид кафтин жоми ичра,
Шу умиднинг сурурини таратамиз,
Янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!

Биз буюклик баҳосини олган халқмиз,
Кўксимизга қўйиш нурун солган халқмиз,
Ҳалолликни истаганга бизлар чархмиз,
Ҳалолликда тан олишни англатамиз,
Янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!

Қадр сўзи сўзлар ичра ширин калом,
Миллат қадрини ўзбек учун олий мақом,
Инсон қадрини билганларга биздан салом,
Қўли қўлга бериб дилни яйратамиз,
Янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!

Юртбошимиз дилидаги тиниқ туйғу,
Ер юзюда тинчлик бўйсун деган орзу,
Биз дунёга тутиб турган оппоқ кўзгу,
Шу кўзгуеа олам аҳлини қаратамиз,
Янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор масалалар, шу жумладан, Президент Администрациясининг ҳуқуқий мақомини белгилашга, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини Конституциявий суд томонидан ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди.

Кун тартибидagi ушбу масалалар сиёсий партиялар фракцияларида, масъул қўмиталар йиғилишларида экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари иштирокида атрофлича муҳокама қилингани қайд этилди. Мунозаралар давоми-

да депутатлар, соҳа мутахассислари, экспертлар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар инobat-га олиниб, ҳужжатлар мазмунан бойитилгани, айрим нормалар аниқлаштирилиб, қонун лойиҳалари янада такомиллаштирилгани урғуланди.

Президент Администрациясининг ҳуқуқий мақоми қонун даражасида белгиланмоқда

Мажлисида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳамда ваколатларини белгилаб берувчи “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Таъкидлаш лозимки, янги тахир-



даги Конституциямизга мувофиқ мамлакатимизда миллий ва умуминсоний қадриятлар, давлатчилигимиз ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг самарали тизимини яратилган. Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — қонун чиқарувчи, иқро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципида давлат ҳокимиятининг ташкил қилиниши, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти асослари алоҳида боғларда батафсил баён этилган.



Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигига

АГРАР СОҲА РАВНАҚИГА ҚАРАТИЛГАН ТИЗИМЛИ ИСЛОҲОТЛАР

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қишлоқ хўжалигини мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардош ва юқори қўшилган қиймат яратувчи тармоғига айлантиришга қаратилган тизимли ислохотлар амалга оширилиб, соҳада мутлақо янги бошқарув ҳамда бозор муносабатлари шакллантирилди.

Бугун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аграр тармоқ рақобатбардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, иқлим ўзгариши шароитида табиий ресурсларни асраш ва миллий қонунчиликни халқаро стандартларга уйғунлаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу жараёнда парламентнинг қонун ижодкорли-

ги ҳамда парламент назорати алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзолари аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, қонунчиликдаги муҳим ўзгаришлар ва истиқболдаги устувор вазифалар юзасидан ўз фикрларини билдирди.



Сенат кўмитасида

МУҲОКАМАДА —

АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН

ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ



Шунингдек, 2040 йилга қадар йиллик тураржой қурилиши ҳажмини 280 мингга хонадонга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача уй-жой майдони эса 23 квадрат метрга етказиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Уй-жойлар қурилиши ва ипотека тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай мазкур соҳани янада такомиллаштириш ва янгича ёндашув механизмларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси “Юқсалиш” умуммиллий ҳаракати билан ҳамкорликда аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастури ихроси ва ипотека кредитлари ажратилиши ҳолатига бағишлаб ўтказган йиғилишда айтиш йўналишдаги ишлар муҳокама марказида бўлди.

Сенаторлар, вазирлик ва идоралар вакиллари, банк раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари иштирок этган йиғилишда давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда соҳада ечимини кутаётган муаммолар ва аҳолидан келиб тушадиган мурожаатлар ечимига ҳам атрофлича тўхтаб ўтилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва Халқ қабулхоналарига 2025 йилда уй-жой билан боғлиқ масалалар бўйича 41 мингдан кўп мурожаатлар келиб тушган. Худудлар кесимида энг кўп мурожаатлар Қашқадарё (4 400 та), Сурхондарё (4 184 та), Самарқанд (3 674 та) ва Фарғона

(3 490 та) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси (3 492 та) ҳиссасига тўғри келади. Мурожаатларнинг асосий қисми уй-жой қуриш (11,7 мингта) ва тураржой билан таъминлаш (10,3 мингта) масалаларига оид. Тадбирда ипотека кредитларини узоқ муддатга ажратишни рағбатлантириш, кредитларнинг максимал миқдорини бозор нархларидан келиб чиқиб белгилаш, мажбурий сугурта, мулкни баҳолаш ва нотариал тўловларни камайтириш масалаларига ҳам етарлича эътибор қаратилди.

Мазкур йиғилиш давлат органлари, тижорат банклари, қурилиш соҳаси вакиллари, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда жамоатчилик ўртасида очик мулоқотни йўлга қўйишга хизмат қилиб, соҳадаги тизимли муаммолар юзасидан амалий тақлифлар ишлаб чиқиш имконини берди. Унинг якунида аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, ипотека кредитлаш тизимини янада соддалаштириш ва маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш бўйича масъул вазирлик ва тижорат банкларига тегишли тавсиялар берилди. Мазкур масала Сенат кўмитасининг доимий назоратида қолиши таъкидланди.

«Халқ сўзи».

ЎЗ ВАҚТИДА ТАШЛАНГАН ТАРИХИЙ ҚАДАМ

Инсоннинг шаъни, қадр-қиммати ва эркинлиги ҳар қандай бойликдан устун. Аммо минг афсуски, бутун дунёда инсон тақдирини хатарга қўядиган, улардан ғаразли мақсадларда фойдаланадиган мудҳиш бир иллат — одам савдоси ҳали ҳам давом этмоқда. Асосийси, ўз фуқароси қадрини юксак билган ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам бу иллатга қарши ҳеч қачон муроса қилинмаган.

Муносабат

Бунинг яққол исботи сифатида Президентимиз шу йил 3 август куни имзолаган “Одам савдосидан жабрланган шахсларни аниқлаш ва уларни жамиятга интеграция қилиш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонни алоҳида эътироф этиш лозим.

Бу ҳужжат жабрдийдаларга уза-тилган нәжот қўли, адолатни қарор топтириш йўлидаги ўта муҳим ва ўз вақтида қўйилган тарихий қадам бўлди.

Бундай дейишимизга сабаб ушбу ҳужжат билан тезкор ва адолатли идентификация тизими яратилади. Шу пайтгача жабрланганлар ўз мақомини тасдиқлашда турли тўсиқларга дуч келиши мумкин эди. Эндиликда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари, ихтисослаштирилган муассасаларга, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларига одам савдосидан жабрланган шахсларни дастлабки идентификация қилиш ваколати берилмоқда.

Дастлабки идентификация натижасида шахсга “одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаёт-

ган шахс” мақоми бир ойгача, яқуний идентификация натижасида эса “тан олинган шахс” мақоми купибилан бир йилгача муддатга берилади.

Яқуний мақомни бериш ҳудудий комиссиялар томонидан ўн сутка ичида амалга оширилади. Бу инсон сарсон бўлмаслиги, тезда давлат ҳимоясига олиниши йўлидаги улкан қўллаб-қувватловдир.

Ўз навбатида, мажмуавий ижтимоий ва молиявий кўмак қаролатланади. Шу йил 1 сентябрдан бошлаб жабрланган деб тахмин қилинган шахсларнинг маълумотлари “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига юборилади ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати баҳоланади, бепул минимал хизматлар пакетини билан таъминланади.

Уларнинг ихтисослаштирилган марказларга келиб-кейтиш транспорт харажатлари ҳам қоплаб берилади. Хусусан, “Саховат ва кўмак” жағмармаси маблағлари ҳисобидан республика марказига келиб-кейтиш учун базавий ҳисоблаш миқдори-

нинг бир баравари, ҳудудий марказларга эса БҲМнинг ярим баравари даражасида маблағ ажратилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “1146” қисқа рақамли “Ишонч телефони” орқали юртимиз ҳудудида мурожаатларни қабул қилиш, психологик ва ҳуқуқий маслаҳатлар бериш йўлга қўйилади.

Чет элдаги ватандошларимиз учун эса дипломатик ваколатхоналарда “Ишонч телефони” ишлай бошлайди.

Тошкент ва Самарқанд халқро аэропортларида сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда Миграция маслаҳат бюролари ташкил этилиши хорижга кетаётган фуқароларимизни олдиндан огоҳлантириш ва ҳимоя қилиш йўлидаги инновацион ечим бўлди. Бундан ташқари, хотин-қизлар, эркаклар ва болалар ҳимояси дифференциаллаштирилди.

Фармонга кўра одам савдосидан жабрланган эркаклар, чет эл фуқаролари ва репатриантлар фақат одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация марказига қабул қилинади.

Тахмин қилинаётган шахслар ихтисослаштирилган марказлар хизматидан бир ой давомидида, тан олинган шахслар эса кўпи билан олти ой давомидида фойдаланади. Ва бу марказларга биринчи гуруҳдагилар мақом берилгандан сўнг бир ой, иккинчи гуруҳга мансублар эса бир йил ичида мурожаат этиши мумкин.

Айниқса, бундай болалар тақдири-

ҲУДУДЛАР ИНФРАТУЗИЛМАСИ

ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Худудларда олиб борилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари, аҳоли учун яратилаётган шароитлар ҳамда “Долзарб 40 кунлик” доирасида режалаштирилган чора-тадбирлар жойларга чиққан ҳолда мунтазам ўрганилмоқда. Бунда маҳалла фаоллари билан мулоқотлар ўтказилиб, худуд инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан тақлифлар муҳокама марказида бўлаётир.

Сенатор ва ҳаёт

Шу мақсадда Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси раиси ўринбосари Қобул Турсунов Навоий вилоятининг Хатирчи туманида бўлиб, Ғалабек маҳалласида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Ўрганишлар давомида сенатор туман электр таъминоти корхонаси фаолиятини ҳам кўздан кечирди. Масъуллар иштрокида ўтказилган муҳокамаларда электр таъминоти тизимини модернизация қилиш, тармоқларни янгилаш, ис-

теъмоилчиларни узлуксиз электр энергия билан таъминлаш, кузқиш мавсумига тайёргарлик ҳамда инвестиция дастурлари ихроси масалалари қўриб чиқилди.

Учрашувлар якунларига кўра электр таъминоти соҳасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, қурилиш ва реконструкция ишларини жадаллаштириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш бўйича масъуллар билан фикрлашилди.

«Халқ сўзи».

МАНЗИЛИ

ДАСТУРЛАР

ислохотларни янги босқичга кўтармокда

Искогаре — Шофирконнинг Пешку билан чегарадош олис маҳаллаларидан бири. Яқин-яқингача бу ерда кўчалар ёз жазирасида чанг-тўзонга, қўшининг ёгин-сочинли қўнлариде салкам ботқоққа айланаар, салгина шамол бэзидеа қўнлаб электрда узлишлар пайдо кўнлар, бундай шароит аҳоли учун одатий ҳолга айланганди. Гарчи токзорларию узумлари билан машхўр бўлса-да, иш ўринлари жуда кам, камбағаллик даражаси юқори, “муаммоларга тўла худуд” эди. Аммо бугун маҳалла қиёфаси тубдан ўзгармокда.

Ободлик

— Бошқа муаммоларни-ку айтмай қўяқолай, қишлоқ бўлса-да, ҳовлиларимизда деярли дарахт кўкартира олмас эдик. Чунки оқар сув йўқ, тупроқ шўрланishi юқорилиги сабаб далаларимизда ҳосилдорлик паст, бог-роғларимиз шунча меҳнатимизга қарамай қўриб қолаверарди, — дейди нафақадаги ўқитувчи, маҳалла фахрийси Аскар Қаландаров. — Олиб борилган ободонлаштириш ишлари боис 8 та қудуқ қазилиб, ариқлар атрофи тўлиқ бетонланди ва оқар сува эҳтиёжимиз таъминланди. Эскирган симёғочлар олиб ташланиб, кабелъ ўтказгичли янги трансформатор ўрнатилди, 8,5 километр ички йўлларимиз асфальт қилинди, гузаримиз битиш арафасида. Булар нафақат қишлоғимиз қиёфасини, балки одамларимиз кайфиятини, эртанги кўнга ишончини ҳам ўзгартирмокда.

Дарҳақиқат, бугун тўрт мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилувчи Искогаре ҳақиқатда катта ўзгаришлар марказига айланган. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 8 октябрдаги “Алоҳида туман (шаҳар) ва маҳаллаларни аҳолининг яшашини ва тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун намунали худудга айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда шу йил 5 февралдаги “2026 йилда худудларини янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағаллиқни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмокда. Унда аҳолининг тadbиркорлик билан шуғулланиши, инфратузилмани яхшилаш, замонавий хизматлар қўрсатишни йўлга қўйиш, қишлоқ маҳаллаларига шаҳар муҳити ва яшаш шароитларини олиб кириш борасида ёзил чора-тадбирлар белгиланган.

Унга кўра Бухоро вилоятининг Шофиркон ва Ғиждувон туманларига “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман” мақоми берилди. Шундан келиб чиққан ҳолда халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши томонидан ушбу туманларда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, инфратузилма ва муҳандислик тармоқларини қуриш ҳамда ободонлаштириш, “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳаллалар” ҳамда танлаб олинган “огир” туманлар ва маҳаллаларда аҳоли яшашини, тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун комплекс ривожлантиришнинг манзилли дастурлари ишлаб чиқилди.

Хусусан, “Огир маҳаллани ривожлантириш” манзилли дастури доирасида Искогаренинг ўзиде 311 та оилега 1 млрд. 141 млн. сўм имтиёзли кредит маблағи йўналтирилиб, иссиқхона, чорвачилик, хизмат қўрсатиш ва кичик ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йўлга қўйилди. 100 та хонадонга тақоррий экин майдонлари ажратилиб, уларнинг барқарор даромад манбалари яратилди. Янги иш бошлаган тиквунчилик корхонасида 200 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Қилинган ишлар натижаси ўлароқ маҳаллада камбағаллик даражаси қисқа муддатда 6,2 фойздан 2,2 фойзга камайди. Энг муҳими, яқин-яқингача талай муаммолар билан тилга олинган бу маҳаллада бугун

минглаб инсонларнинг хоҳиш-иро-дасига қарши амалиёт ва қўнуга хилоф хатти-ҳаракат ётади. Бу эса жиноятчилар учун жазонинг муқаррарлигини таъминлашни талаб этади. Фармон билан одам савдоси каби жиноятни касб қилиб, унинг ортидан мўмай пул топаётган шахслар учун жазонинг муқаррарлиги кучайтирилади. Агарда туризм ва ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги мансабдорлар ушбу жиноятга қўл урса, уларга асосий жазога қўшимча равишда тегишли фаолият билан шуғулланишни чеклаш жазосини тайинлашини белгиланмокда. Бундан ташқари, болаларни фоҳишалikka жалб қилиш орқали одам савдоси билан шуғулланган шахслар учун алоҳида жиний жавобгарлик жорий этилади, бу ишлар прокуратура томонидан тергов қилинади ва судланганлар енгиллик берувчи манзил-колонияларга ўтказилмайди. Бу жуда қатъий ва адолатли қарордир.

Умуман, Президентимизнинг мазкур фармони жамиятимизда инсон қадрини юксалтириш, ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмаслик сиёсатининг узвий давоми экани билан эътиборга молик. Биз, сенаторлар жамоатчилик вакиллари ва оммавий ахборот воситалари вакилларидаан талаб қилинадиган нарсасэ бу тизимнинг шафдоф ҳамда самарали ишлашини таъминлашга ўз ҳиссасини қўйишдир.

Абдулҳаким ЭШМУРАТОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши кураиш
кўмитаси раиси.

ДЕВОРЛАРИ ДАРЗ КЕТАЁТГАН ИНШОТЛАР

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун мукаммал қонунлар керак

Сўнгги ўн йилда мамлакатимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, шахрлар инфратузилмасини янада ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Натижада 210 млн. квадрат метр бино-иншоот, 647 минг хонадонли 15 мингдан ортқ кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Қурилиш ишларининг ҳажми 2016 йилдаги 30 трлн. сўмдан ўтган йили 314 трлн. сўмга етди. Бугун қурилиш, қурилиш материаллари ва уларга ёндаш соҳаларда 3,5 млн. аҳоли банд.

Ушбу рақамлар мамлакатимизда қурилиш соҳасининг ривожланиш шиддатини яққол намён қилади. Гап шу соҳа хусусида борар экан, бу ўринда сон эмас, сифат ва хавфсизлик масаласи устувор эканини таъкидламоқ ўринли.

Олий Мажлис Сенатининг яқинида бўлиб ўтган ўн еттинчи ялпи мажлисида ҳам “Қурилиш соҳасида давлат назорати ва бошқаруви янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлари ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди. Муҳокамалардан сўнг мавжуд ва қурилаётган бино ҳамда иншоотларнинг сейсмик бардошлилигини кучайтириш, зилзилаларни прогноз қилиш ва мониторингини амалга ошириш, шунингдек, уларга тайёргарлик қўришда давлат органлари ва тегишли ташкилотлар ўртасида самарали ҳамкорлиқни таъминлаш мақсадида ушбу қонун маъқулланди.

— Қурилиш соҳасидаги давлат назорати ва бошқаруви янада такомиллаштириш, бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ҳамда сейсмик хавфсизлигини кучайтириш зарурияти мазкур қонунга эҳтиёж пайдо қилди, — дейди Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси раиси ўринбосари Қобул Турсунов. — Бош прокуратура томонидан тегишли вазирлик ва идоралар мутахассисларини жалб этган ҳолда бино ва иншоотларни лойиҳалаш ҳамда экспертизадан ўтказишда янги сейсмологик курсаткичлардан фойдаланиш ҳолати юзасидан ўрганиш ўтказилди. 2017 — 2024 йиллар давомида қурилган 8 974 та ва 2025 йилда қурилиши режалаштирилган 2 559 та ҳамда фойдаланишга топширилган 301 та, жами 11 834 та кўп квартирели уй-жойнинг зилзилабардошлиги юзасидан хатлов амалга оширилди.

Ўрганишлар натижасида 3 107 та уй-жой хусусий экспертизадан ўтказилгани, 1 434 таси эса рўйхатдан ўтмагани ва 185 тасида ноконуний равишда қаватлар қўйилгани аёнланди. Шунингдек, 339 та уй-жойнинг сейсмик талабга жавоб бериши, 77 таси қўшимча мустаҳкамлашга

муҳтож экани ва 1 тасининг сейсмик заифлиги маълум бўлган. Бундан ташқари, ноконуний қурилишлар сони 213 тага ошгани аниқланган. Бундай ҳолатлар қурилиш соҳасидаги давлат назорати ва бошқарувини янада такомиллаштириш, одам ҳамда иншоотларнинг зилзилабардошлиги ва сейсмик хавфсизлигини кучайтириш заруриятини юзига келтирмокда.

Албатта, бино-иншоотларни қуришда сейсмик мустаҳкамликнинг биринчи ўринда инобатга олиниши бежиз эмас. Чунки у инсонлар ҳаёти, саломатлиги билан боғлиқ, Қолаверса, дунёда юз берадиган турли табиий офатлар, хусусан, зилзилалар одамларни бу масалалда анча эҳтиёткор бўлишга, ҳар бир қурилаётган иншоотни янада пишиқ-пuxта режалаштиришга ва оқибатини ўйлашга мажбур қилади.

— Ер юзи бўйлаб ҳар йили 100 мингдан ортқ зилзилалар содир бўлиб, уларнинг 100 га яқини вайронкор ва бир қанчаси турли даражада фалокат келтиради. Қучсиз зилзилалар ҳар 5 дақиқада бўлиб туради, — дейди Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ф. Мавлонов номидаги Сейсмология институти директори Воҳидхон Исмоилов. — Ўзбекистон сейсмик нуқтаи назардан 8-9 баллик фаол худудда жойлашган. Ҳозирги кунда институтимиз томонидан Ўзбекистоннинг сейсμοфаол харитаси тузилиб, бунда ҳар бир худуднинг сейсмологик хусусиятлари ҳисобга олинди. Шу харита асосида замонавий биноларни лойиҳалаштириш ва қуришда метёвр ҳалда қондилар бўйича худудлардаги сейсмик хавфни ҳисобга олиш талаб этилади.

Мутахассисларнинг айтишича, худуд зилзилабардошлигининг аниқланиши билан қурилишда илк қадам саналади бу билан “зилзилабардошлик” тушунчаси пайдо бўлади.

— Бугунги кунда уй-жойлар, бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги лойиҳалаш, қурилиш ва фойдаланиш босқинчилирида комплекс тарзда назорат қилинмокда. Лойиҳалаш жараёнида қурилиш майдонининг сейсмиклиги, муҳандислик-геологик шароитлари ҳамда бинонинг конструктив ечимлари амалдаги

шаҳарсозлик нормалари асосида инобатга олинади, тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари эса белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилади, — дейди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Лойиҳа фаолияти ва сейсмик хавфсизлик талабларини мувофиқлаштириш бoшқармаси бош мутахассиси Баҳромбек Раҳимов. — Экспертизада асосий эътибор объектнинг зилзилага чидамлилигига қаратилади. Молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча объектлар мазкур кўрсаткич бўйича экспертизадан ўтиши ҳамдажбур. Ижобий ҳулосага эга бўлган объектларда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси хабарномаси асосида қурилиш ишларига киришилади.

Сейсмик фаол худудларда бино ва иншоотларни лойиҳалаш ҳамда қуриш алоҳида эътибор ва юқори масъулиятни талаб этади. Шу боис 2024 йил 17 апрелда Президентимизнинг “Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш ҳамда сейсмик хавфни мониторинг қилиш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори имзоланган. Унга мувофиқ республиканинг барча 14 та худудиде 9 қаватли ва ундан бeлaнд бино ҳамда иншоотларни вибродинамик ускуна ёрдамиде текширувдан ўтказиш вазифаси юклатилган. Мазкур топшириқ ихроси доирасида худудларда тегишли объектлар танлаб олиниб, улар бўйича текширув ва синовдан ўтказиш ишлари амалга оширилмокда.

Демак, бино ва иншоотнинг 9 баллик сейсмик таъсирга бардошлилиги фақат унинг лойиҳасига эмас, балки объектнинг қонуний қурилгани, экспертиза ва қурилиш сифати, назоратнинг тўлақонли амалга оширилгани, шунингдек, бутун хизмат даврида белгиланган эксплуатация талабларига риоэ этилишига боғлиқ бўлган комплекс масалалар.

Таъкидланганидек, гарчи қурилиш соҳасида назорат қатъий тартиб-таомиллар асосида олиб борилаётган бўлса-да, стандартларга риоэ қилмаслик оқибатиде қурилган ва ҳали битмасдан нураб бораётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Ёки фойдаланишга топширилганига йил ўтмасдан бир қузу бир қишинг намарчилигига дош беролмай, деворларни дарз кетаётган иншоотлар ҳам талай. Бунинг ортидан юзлаб инсонлар овораю сарсон.

Сенат томонидан маъқулланган қонунда ҳам айнан шу йўналишда жавобгарлик ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инс-

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Конституциямизнинг XIX боби Ўзбекистон Республикасининг Президентига бағишланган бўлиб, унда Президент давлат бошлиғи мақомида давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаши, шунингдек, унинг мамлакат бошқаруви ва тараққиётини таъминлашдаги ўта муҳим ваколатлари мустаҳкамланган. Конституцияда белгиланган Президент ваколатлари нихоятда кенг қамровли бўлиб, уларнинг самарали бажарилишини таъминлай, ҳуқуқий ва таҳлилий таъминлаш Президент Администрацияси зиммасига юклатилган.

Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 109-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ваколатларини амалга оширишни таъминлай, ҳуқуқий, таҳлилий жиҳатдан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини шакллантиради ҳамда унинг Раҳбарини тайинлайди. Президент Администрациясининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, фаолиятини таъминлаш тартиби ва ваколатлари қонун билан белгиланиши назарда тутилган.

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талаблари инobatга олинган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, Президент Администрациясининг давлат бошқаруви тизимидаги ўрни, ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий йўналишларини Конституциявий қонун даражасида белгилашга қаратилган.

Лойиҳада Администрация Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилиши, шунингдек, унга Президент томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Адми-

нистрация раҳбари бошчилик қилиши белгиланмоқда.

Администрациянинг мақоми, фаолиятининг асосий принциплари, тарқибий тузилиши ва ишни ташкил этиш тартиби, унинг давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлари билан ўзаро алоқалари, Администрациянинг мансабдор шахслари, бошқарув ва хизматчи ходимлари фаолиятининг қафолатлари аниқ баён қилинмоқда.

Бундан ташқари, Администрациянинг давлат органлари ва ташкилотларининг клапанс ҳамда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари билан алоқалари очиб берилган.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда ҳалқаро ва хориж тажрибаси ўрганиб чиқилган. Хусусан, АҚШ, Финляндия, Чехия, Словакия, Руминия, Латвия, Тайван, Қозғистон, Туркменистонда Президент администрацияси (канцелярияси, офиси)нинг ҳуқуқий мақоми алоҳида қонунларда белгиланган.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси барча сиёсий партиялар фракцияларида ҳамда масъул кўмитада ҳуқуқшунос олимлар, соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирокида атрофила муҳокама қилинди. Иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида келиб тушган ҳар бир таклиф моддада-модда кўриб чиқилиб, долзарб ва асосли деб топилган таклифлар қонун лойиҳасида ўз ифодасини топди.

Мазкур Конституциявий қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Президент фаолиятини таъминлай, ҳуқуқий ва таҳлилий жиҳатдан таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, давлат органлари ўртасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳамда бошқарув жараёнларининг са-

марадорлигини оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

Муҳокамалар якунига кўра, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш имконияти кенгаймоқда

Депутатлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини Конституциявий суд томонидан ҳимоя қилишни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди.

Ушбу ҳужжат инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли суд ҳимоясини ҳамда Конституциявий суд қарорларининг суд амалиётида самарали ижросини таъминлашга қаратилган.

Лойиҳа билан судлар ташаббуси асосида Олий суд томонидан муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлиги масаласи юзасидан Конституциявий судга мурожаат киритилганда, тегишли иш бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш механизми белгиланмоқда.

Шунингдек, муайян суд ишида қўлланилган қонун Конституциявий суд томонидан Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган тақдирда, қонуний қуна қирган суд ҳужжатини қайта кўриб чиқиш учун процессуал асос яратилмоқда.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида унинг нормалари масъул кўмита ва депутатлар, тегишли идоралар мутахассислари иштирокида батафсил му-

ҳокама қилиниб, депутатлар таклифлари асосида такомиллаштирилган таъкидланди.

Зўхриддан МАВЛОНОВ, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси:

— Мамлакатимизда фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини сўзсиз таъминлашга, уларнинг бузилган конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш, одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса суд амалиётида ҳуқуқий аниқлиқни таъминлашга, бузилган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш имкониятларини кенгайтиришга, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга ҳамда Конституциявий суд қарорларининг суд амалиётида самарали ижросини қафолатлашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Белгиланган тезлиқни 80 километр/соатдан ортиқ оширганлиқ учун жавобгарлиқ кучайтирилмоқда

Мажлисда йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган

қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ҳамда “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, Жиноят кодексига вояга етмаган шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириш натижасида фуқаронинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган, одам ўлими ёҳуд бошқа оғир оқибатлар келиб чиққан ҳолларда транспорт воситасини топширган шахсга жиноий жавобгарлиқ белгилаш таклиф қилинмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда вояга етмаган шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириш, автоматотранспорт воситалари поёғасини қокуний ташкил этиш ва унда қатнашиш, юк транспорт воситаларини тунги вақтда йўл ҳаракати иштирокчиларига хавф туғдирадиган ҳолатда йўл четига қолдириш, транспорт воситасини ҳисобдан чиқариш тартибининг бузиш, белгиланган тезлиқни 80 километр/соатдан ортиқ оширганлиқ учун алоҳида ва кучайтирилган жавобгарлиқни белгилаш назарда тутилган.

Шунингдек, маъмурий жазонинг янги тури — автоматотранспорт воситасини олти ойдан бир йилгача муддатга вақтинча олиб қўйиш қорасини жорий этиш таклиф қилинмоқда. Мазкур жаза йўл безорилиги, қокуний пойга ташкил этиш, транспорт воситаларини мастлиқ ҳолатида бошқариш, мастлиқ ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлash каби қилмишлар транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилин-

ган шахс томонидан содир этилганда жиноий ишлари бўйича туман ёки шаҳар суди томонидан қўлланилиши белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасида транспорт воситасини мастлиқ ҳолатида бошқариш ёки тегишли текширувдан ўтишдан бўйин товлash учун белгиланган жазо қораларини такомиллаштириш, шунингдек, айрим қўпол қоидабузарлиқлар қатордан содир этилганда жаримдан чегирма билан тўлаш тартибини муайян муддат давомида қўлламаслиқ ҳам назарда тутилмоқда.

Улўбёк ҚОБУЛОВ, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси:

— Қонун лойиҳасини такомиллаштириш борасида кўмитамиз томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳужжатнинг ҳар бир нормаси атрофлича таҳлил қилиниб, соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирокида кизгин муҳокамалар ўтказилди. Депутатлар томонидан белгиланган таклифлар асосида унинг айрим нормалари қайта кўриб чиқилиб, ҳуқуқий жиҳатдан янада аниқлаштирилди ҳамда ҳужжат матни мазмунан ва тахририй жиҳатдан маромига етказилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаёти ва соғлигини ишончли ҳимоя этиш, қўпол қоидабузарлиқлар учун жавобгарлиқнинг таъсирчанлиги ва муқаррарлигини таъминлаш, ҳайдовчиларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

«Халқ сўзи».

АГРАР СОҲА РАВНАҚИГА ҚАРАТИЛГАН ТИЗИМЛИ ИСЛОҲОТЛАР

Пухта қонунчилик ва таъсирчан парламент назорати

Равшан МАМУТОВ, кўмита раиси:

— Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган ислохотлар аграр соҳага нисбатан мутлақо янги ёндашувни қарор топтирди. Энди асосий эътибор фақат ҳосилдорликни оширишга эмас, балки озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини кучайтириш, қишлоқ ҳўжалигини замонавий технологиялар асосида ривожлантириш ва соҳани халқаро стандартларга мослаштиришга қаратилмоқда. Бу вазифаларнинг барқарор ижросини эса замон талабларига жавоб берадиган қонунчиликсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бугун аграр қонунчилик ҳам сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда. Агар аввал қонунлар, асосан, соҳадаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилган бўлса, эндиликда улар иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, инвестицияларни жалб қилиш, фермер ва маҳсулот этиштирувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, миллий маҳсулотларнинг ташқи бозорларда рақобатбардорлигини таъминлаш каби стратегик вазифаларни ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда кўмита фаолиятида ҳам айнан шу устувор йўналишларга эътибор қаратилаяпти. Масъул кўмита сифатида миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилотининг санитария ва фитосанитария бўйича битимларига мувофиқлаштириш, маҳсулотларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш, давлат ветеринария назоратини такомиллаштириш, ер ва сув қонунчилигини янада ривожлантиришга доир қонун лойиҳалари устида тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, “Маҳсулотларнинг умумий хавфсизлиги тўғрисида”, “Давлат ветеринария назорати такомиллаштирилиши муносабати билан “Ветеринария тўғрисида”ги Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”, “Ер қонунчилиги янада такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексида ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонунлар аграр соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади. Бу ҳужжатларни тайёрлашда амалиёт, илмий ёндашув ва халқаро тажрибанинг уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Қонун ижодкорлигидаги ана бир муҳим ўзгариш — парламентнинг ташаббускорлик роли кучайиб бораётгани. Бугун қонун лойиҳалари фақат давлат органлари таклифлари асосида эмас, балки ҳудудларда ўтказилаётган ўрганишлар, фермерлар, тадбиркорлар, олимлар ҳамда экспертлар билан мулоқотлар жараёнида аниқланган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда ҳам ишлаб чиқилмоқда. Бу эса қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётийлиги ва амалий аҳамиятини оширишга йўл очмоқда.

Бугун парламентнинг вазифаси қонун қабул қилиш билан чекланмайди. Мазкур қонунларнинг ҳаётда қандай ишлаётганини ўрганиш, соҳадаги тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқий ечимларини илгари суриш ҳам қонун ижодкорлиги каби муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда кўмита томонидан парламент назорати тадбирлари, ҳудудлардаги ўрганишлар ва давлат органлари раҳбарларининг ахборотларини эшитиш амалиёти изчил давом эттирилмоқда.

Давлат сиёсатининг устувор йўналиши

Дурбёк АХМЕДОВ, кўмита раиси ўринбосари:

— Бугунги глобал шароитда озиқ-овқат хавфсизлиги энди фақат қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг вазифаси эмас. Бу иқтисодий барқарорлик, аҳоли саломатлиги ва миллий хавфсизлик билан чамбарчас боғлиқ масала. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда маҳсулот этиштиришининг барча босқичларида замонавий талабларни жорий этиш,

хавфсизлиқ стандартларини кучайтириш ва назорат тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу жараёнда қонунчилик ҳам янгича мазмун билан бийиб бормоқда. Илгари, асосан, ишлаб чиқариш муносабатларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормалар бугун истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳсулотнинг келиб чиқиши ва сифати устидан таъсирчан назорат ўрнатиш, халқаро стандартларга мувофиқлиқни таъминлаш каби вазифаларни ҳам қамраб олмақда. Айниқса, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни миллий қонунчилик олдида мутлақо янги талабларни кўймоқда. Жумладан, 2026 йил 25 майда Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида қабул қилиниб, Сенатга юборилган “Маҳсулотларнинг умумий хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунда Жаҳон савдо ташкилотининг Савдодаги техник тўсиқлар бўйича битими талаблари инобатга олинди. Хусусан, техник регламентлар халқаро савдода ортиқча тўсиқлар яратмаслиги, маҳсулотлар учун тенг шарт-шароитлар таъминланиши ҳамда истеъмолчиларни қангитувчи ҳолатларнинг олдини олиш таъминланиши мустаҳкамланмоқда.

Маҳсулотларнинг умумий хавфсизлиги, ветеринария ҳамда фитосанитария соҳасидаги қонунчиликни халқаро нормаларга уйғунлаштиришга қаратилган ҳуқуқий ечимлар ишлаб чиқилди. Бу, аввало, ички бозорда истеъмолчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини, шу билан бирга маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорларда рақобатбардорлигини оширишга хизмат қилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, бугун қонунларнинг сифати амалиётга қандай таъсир қўрса-таётгани билан баҳоланмоқда. Шу маънода, аграр соҳада қабул қилинаётган ҳар бир ҳуқуқий янгилик ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи ва истеъмолчининг манфаатларини бир вақтнинг ўзида таъминлаши лозим.

Олдимизда турган вазифалар ҳам аниқ. Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш, маҳсулот сифати устидан назоратнинг замонавий тизимини шакллантириш, рақамли кузатув ва сертификатлаш амалиётини кенг жорий қилиш, халқаро стандартларни миллий амалиётга тўлиқ татбиқ этиш аграр соҳанинг барқарор ривожланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Келажақ авлодлар олдидаги масъулият

Дилрабо ХОЛБОЕВА, кўмита раиси ўринбосари:

— Кейинги йилларда мамлакатимизда сув ҳўжалиги соҳасини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Янги сув иншоотлари барпо этилди, ирригация ва мелiorация тизимлари босқичма-босқич модернизация қилинди, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг сув таъминотини яхшилашга қаратилган йирик дастурлар ҳаётга татбиқ этилди. Бу ишлар аграр тармоқ барқарорлиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиди.

Бироқ бугунги воқелик биздан мутлақо янги ёндашувни талаб этмоқда. Иқлим ўзгариши, сув ресурсларининг чеклангани ва аҳоли ҳамда иқтисодиёт эҳтиёжларининг ортиб бориши сувдан фойдаланиш маданиятини тубдан ўзгариштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Энди масала қанча сув оқибди эмас, балки ҳар бир томчидан қанчалик самарали фойдаланишда.

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, рақамли бошқарув тизимларини ривожлантириш, каналлар ва гидротехника иншоотлари модернизациясига қаратилган қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Бу ислохотлар орқали сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бирга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва экологик барқарорлиқни таъминлаш мақсад қилинган.

Табиийки, бундай кенг кўламли ўзгаришлар мустаҳкам ҳуқуқий асосни талаб этади. Шу боис кейинги йилларда сув қонунчилиги ҳам изчил

такомиллаштирилмоқда. Сув объектларини муҳофиза қилиш, сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, гидротехника иншоотларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш ҳамда ҳуқуқбузарлиқлар учун жавобгарлиқни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий нормалар бугунги кун талабларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқилмоқда. 2026 йилнинг биринчи ярмида ҳам ушбу йўналишда сув қонунчилигини такомиллаштириш ва сув ресурслари муҳофазасига оид қонунчилик ташаббуслари муҳокама қилинди. Жумладан, сувларнинг давлат ҳисобини юритиш ҳамда сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиқ учун жавобгарлиқни кучайтиришга қаратилган ташаббуслар илгари сурилди. Қонунчилик палатасида кўриб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексида ўзгариштирилар киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида ўзгариштириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаларидан қўзланган мақсад ҳам сув объектларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиқ учун жавобгарлиқни кучайтиришга қаратилганлиги билан аҳамият-ятлирди.

Энг муҳими, сув масаласига энди фақат аграр соҳанинг муаммоси сифатида қараб бўлмайди. Бу иқтисодиёт, экология, аҳоли фаровонлиги ва миллий хавфсизлик билан узвий боғлиқ стратегик масала. Шунинг учун қонунчилик ҳам соҳадаги бугунги эҳтиёжларга жавоб бериши, замонавий технологияларни рағбатлантириши ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишининг таъсирчан ҳуқуқий механизмларини яратиши лозим.

Жаҳон бозорида рақобат зарур

Нигора ЛУТФУЛЛАЕВА, кўмита аъзоси:

— Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида аграр соҳа олдида турган асосий вазифа аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш эди. Бугун эса вазият бутунлай ўзгарди. Энди нафақат ички бозор эҳтиёжини қондириш, балки миллий маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, экспорт географиясини кенгайтириш ва халқаро рақобатда муносиб ўрин эгаллаш ҳам устувор вазифалардан бирига айланди.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни ҳам айнан шу нуқтаи назардан қаралиши лозим. Бу фақат ташқи савдо имкониятларини кенгайтириш масаласи эмас. Аввало, миллий қонунчиликни халқаро талабларга мослаштириш, маҳсулотлар хавфсизлиги, ветеринария ва фитосанитария соҳаларида замонавий ҳуқуқий механизмларни шакллантириш, демакхир.

Дунё бозорида маҳсулотнинг сифати ва хавфсизлиги унинг нариҳдан ҳам муҳим мезонга айланиб бормоқда. Хорижий ҳамкор, биринчи навбатда, маҳсулотнинг қайси стандарт асосида ишлаб чиқарилганига, унинг хавфсизлиги қандай қафолатланганига, ишлаб чиқарувчи халқаро талабларга қай даражада риоя қилиётганига эътибор қаратади. Шу боис экспорт салоҳиятини ошириш ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш билан эмас, ҳуқуқий базани такомиллаштириш билан ҳам бевосита боғлиқ.

Сўнгги йилларда аграр соҳада қабул қилинаётган қонунлар мазмунига ҳам ана шу ёндашув яққол намойён бўлмоқда. Маҳсулотларнинг умумий хавфсизлиги, ветеринария, фитосанитария ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳаларида халқаро стандартларни миллий амалиётга босқичма-босқич жорий этишга алоҳида эътибор берилаяпти. Бу, бир томондан, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, иккинчи томондан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун янги бозорларга йўл очади.

Шу нуқтаи назардан, парламентда кўриб чиқилаётган ҳар бир қонун лойиҳасига фақат ички ҳуқуқий ҳужжат сифатида эмас, балки мамлакат иқтисодий рақобатбардорлигини таъминлайдиган муҳим омил ўлароқ қараш лозим. Чунки қонунчилик қанчалик замонавий ва халқаро талабларга уйғун бўлса, тадбиркор ва фермерлар учун шунчалик кенг имкониятлар яратилади.

Ойбек ОТАМУРАТОВ, кўмита аъзоси:



— Глобаллашув шароитида ҳайвонлар касалликлари бир мамлакат ҳудуди билан чекланиб қолмайди. Халқаро савдо муносабатларининг кенгайиши, маҳсулот айирбошлаш ҳажмининг ортиши ветеринария назоратига мутлақо янги талабларни қўймоқда. Шу боис ривожланган давлатларда бугун ветеринария фақат қорвачилиқ тармоғининг бир қисми сифатида эмас, балки озиқ-овқат хавфсизлиги ва жамоат саломатлигининг муҳим таркибий қисми сифатида қаралмоқда.

Юртимизда ҳам кейинги йилларда ана шундай ёндашув қарор топмоқда. Давлат ветеринария хизмати фаолиятини такомиллаштириш, эпизоотик барқарорлиқни таъминлаш, ҳайвонлар касалликларининг олдини олиш, лабораториялар имкониятларини кенгайтириш ва халқаро ветеринария стандартларини миллий тизимга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, ички бозорда маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, экспорт салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

Бугунги кунда миллий маҳсулотларнинг ташқи бозорларда эркин ҳаракатланиши қўп жиҳатдан ветеринария тизимининг ишончлилигига боғлиқ. Агар мамлакатда эпизоотик вазият барқарор бўлса, назорат тизими халқаро талабларга жавоб берса ва маҳсулотнинг хавфсизлиги ишончли тасдиқланса, экспорт географияси ҳам кенгайди. Шу маънода, ветеринария соҳасини такомиллаштириш иқтисодий тараққиётга хизмат қиладиган муҳим омилдир.

Жорий йилнинг ўзида парламент томонидан давлат ветеринария назорати, маҳсулотлар хавфсизлиги ҳамда санитария ва фитосанитария соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларини халқаро талаблар асосида такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик ташаббусларининг кўриб чиқилиши ҳам бежиз эмас. Бу ҳуқуқий янгилашлар мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, қорвачилиқ тармоғини барқарор ривожлантириш ва маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини оширишга хизмат қилади.

Фермер фаровон бўлса...

Зокиржон ЗОХИДОВ, кўмита аъзоси:

— Сўнгги йилларда аграр соҳадаги давлат сиёсатида фермер манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки соҳадаги ҳар қандай ҳуқуқий ёки иқтисодий ўзгариш, аввало, ерда меҳнат қилаётган инсон учун қандай имконият яратиши билан баҳоланади. Шу маънода, фермернинг ҳуқуқий қафолатларини мустаҳкамлаш, унинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва фаолиятида ортиқча маъмурий тўсиқларни бартараф этиш қонунчиликни такомиллаштиришининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Аграр соҳада тўлганган тажриба шунки қўрсатмоқдаки, барқарор ривожланишни нафақат янги технологиялар ёки инвестициялар ҳисобига, балки аниқ ва адолатли ҳуқуқий муносабатлар орқали таъминланади. Ердан ва инфратузилмадан фойдаланиш, шартномавий муносабатлар, агросервис хизматлари каби масалаларда қонун устуворлиги таъминлангандагина фермер ўз меҳнати самарасини кўради ва узоқ муддатли режалар тузиш имконига эга бўлади.

Шу боис кейинги йилларда аграр қонунчилиқни такомиллаштиришда амалиётдан келиб чиқиш таъминлигига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳудудлар фермерлар билан ўтказилаётган мулоқотлар, уларнинг таклиф ва муаммоларини ўрганиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил этиш қонунчилик таш

Эътироф

Қўқон шаҳри ЮНЕСКОнинг
Медиа ва ахборот
саводхонлиги бўйича
Глобал альянсига қўшилди

Қўқон шаҳри ЮНЕСКОнинг Медиа ва ахборот саводхонлиги бўйича Глобал альянсига қўшилгани расман эълон қилинди. Глобал альянс медиа ва ахборот саводхонлигини ривожлантириш соҳасида таъриба, билим ва амалий ёндашувларни алмашиш учун муҳим халқаро платформа ҳисобланади.

Альянс давлат тузилмалари, таълим ва илмий муассасалар, кутубхоналар, музейлар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти ташкилотлари, ёшлар бирлашмалари ва бошқа манфаатдор томонлари бирлаштириб, рақамли кўникмаларни, ахборот билан ишлаш маданиятини ривожлантиришга ҳамда замонавий таълим ва маърифий ресурсларга кириш имкониятларини кенгайтиришга қўмаклашади.

ЮНЕСКОнинг расмий хатига Қўқон шаҳри Глобал альянсда рўйхатдан ўтгани тасдиқланган ва шаҳарнинг ушбу халқаро платформадаги иштироки кутланган.

Ушбу қарор Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизда шаҳарларнинг халқаро алоқаларини кенгайтириш, уларнинг маданий-маърифий салоҳиятини илгари суриш, инсон капиталини, рақамли кўникмаларни ривожлантириш, ёшлар сўёсати, таълим ва маърифат соҳаларини таъминлаштириш бўйича берган топшириқлари ижроси доирасида амалга оширилган изчил ишларнинг амалий натижаларидан бири бўлди.

Шаҳарнинг альянсдаги иштироки халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, хорижий шаҳарлар ва экспертлар ҳамжамияти билан таъриба алмашиш, ЮНЕСКОнинг соҳавий услубий материалларидан фойдаланиш, шунингдек, медиа ва ахборот саводхонлиги соҳасидаги маҳаллий ташаббусларни илгари суриш учун қўшимча имкониятлар очади.

Мазкур йўналиш ЮНЕСКОнинг "Медиа ва ахборот саводхонлиги шаҳарлари" ташаббусини илгари суриш нуктаи назаридан алоҳида аҳамият касб этади. Бу ташаббус маҳаллий бошқарув органлари, таълим ва маданият муассасалари, кутубхоналар, музейлар, оммавий ахборот воситалари, ёшлар ташкилотлари, фуқаролик жамияти, оила-лар ҳамда маҳаллий жамоаларни жалб этиш орқали шаҳар даражасида медиа ва ахборот саводхонлигини ривожлантиришга қаратилган.

Шу муносабат билан Қўқон танқидий фикрлаш, рақамли маданият, ахборотта масъулиятли муносабатда бўлиш ҳамда фуқароларнинг, энг аввало, ёшларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокчи ривожлантиришга қаратилган маърифий, интерфакт ва маданий таъдирларни амалга оширишда ўзининг бой тарихий-маданий салоҳияти, таълим соҳаси ва кенг жамоатчилик имкониятларидан самарали фойдаланиши мумкин.

Қўқоннинг ЮНЕСКОнинг Медиа ва ахборот саводхонлиги бўйича Глобал альянсига қўшилиши, шунингдек, шаҳарни халқаро "MIL Cities" ҳаракатининг фаол иштирокчилари қаторида позициялаш ЮНЕСКО билан коммуникация, ахборот, таълим, маданият ва шаҳарларнинг барқарор ривожланиши соҳаларида ҳамкорликни мустақамлаш учун ишончли замин яратди.

«Дунё» АА.
Париж

ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИГА АЙЛАНГАН ЎЗГАРИШЛАР

Халқимиз бугун энг улуғ ва энг азий байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлаш тараддуиди. Бу айём шу юртда киндик қони тўкилган инсон, мамлакатимиз ҳар бир фуқароси учун ғоятда қадрли. У дунёнинг қайси чеккасида кўнм топган бўлмасин она юртига чексиз меҳри, муҳаббати ҳар бир юрак зарбидек жўш уриб туради.

Мушоҳада



Ўзбекистон кечаги тушовдаги тулпор сингари жиловланган мамлакат эмас, у дунё саҳнасида ўз овози, ташаббуслари билан дадил чиқаётган, иқтисодиёти юксалиб бораётган давлатдир. Ўтган яқин тарих ва бугунга назар ташланган, тараққиёт кўлами нечоғли катта, таърифга тил оҳиз. Ислохотлар кўлами, янгилаш залваридан ақлингиз шошади.

Бу ўзгаришлар Ватанимизнинг иқтисодий устуни, миллионлаб юртдошларимизнинг тирикчилик ва меҳнат манбаи бўлган аграр соҳада ҳам кўзга яққол ташланади. Бугунги кунда Ўзбекистон кишлққўжалиги ўзининг тубдан ислох қилинган янги қиёфаси, юқори технологик имкониятлари ва жаҳон бозоридидаги мустақам ўрни билан фахрланишга тўла ҳақли. Бироқ ютуқлар қўқдан тушган эмас. Буни тўлиқ аглаш учун яқин ўтмишга назар ташлашнинг ўзи кифоя.

У кунларни унутиб бўладими?

Истиқлолга қадар юртимизда асосий экин пахта бўлиб, алмашлаб экиш тизими буткул ўнғитилган эди. Ердан аёвсиз фойдаланиш, уни фақат қиммий ўғитлар ва захарли гербицидлар билан тўйинтириш тулпроқнинг табий ўнғимдорлигини издан чиқарди. Замин шўрланиб, эрозияга учради. Сурхондарёдаги Оролбўйиғача сувни нотўғри бошқариш, исрофгарчилик ва режасиз каналлар қурилиши натижа-сида Марказий Осиёнинг энг йирик сув ҳавзаси бўлган Орол денгизи қурий бошлади. Бу том маънода экологик инқирозга айланди.

Пахта терими даврида бугун мамлакат ахли гўё мардикорга айланар, мактаблари университетлар даразаси така-так беркиларди. Ҳаёт тўхтаб қоларди, гўё. Мавсум маҳали шифокору ўқитувчилар қатори зиёлилар ҳам пахтазорда бўларди. Бу таълим тизими-га пўтур етказди, пахтазорларга захарли дефолиантлар ишлатилиши аҳоли саломатлигини ёмонлаштирди.

Бир ёдга олинг: шўро замонидаги колхоз ва совхозларнинг ҳаммаси давлатники эди, раҳбару мутахассисдан тортиб ишчиғача барчаси давлатга ишларди. Ҳўжалик мулки бир қаринда ҳаммамники, аслида эса ҳеч қиминики бўлган. Жонқуярлик, шахсий ташаббус одамларнинг тушига ҳам кирмасди. Ҳатто тулпроққор иморат қурган одам пулни қаердан олдинг, дея сўроққа тутили, ўғри-муттаҳамга айланарди. Колхозлару совхозлар ширкатларга ай-

ланган ҳам ҳеч нарса ўзгармади. Бу тамойил иқтисодий самара бермагач, давлат ерни узоқ муддатли ижарага бериш орқали фермер ҳўжаликларини ташкил этишга ўтди. "Сиз энди ернинг эгаси, ишланг, даромад толинг, бой бўлинг" дейилди, аммо аграр соҳадаги маъмурий-бўйруқбозлик сақланиб қолгани яна тараққиётга тушов бўлди.

Ва нихоят, бугун дунё жамоатчилиги-ги тақрор ва тақрор эътироф этаётган Ўзбекистоннинг демократик ислохотлари, ортга қайтмас ўзгаришлари Президент Шавкат Мирзиёев даврида тўб бўрилиш сифатида яққол намоён бўлди.

Режа эмас, натижа муҳим

Бундан роппа-роса ўн йил аввал — 2016 йилда Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари этиб сайланган, Ўзбекистон кишлққўжалигида янги тарихий давр бошланди. Давлатимиз раҳбари соҳани ривожлантирмасдан туриб, ҳалқни бой қилиб бўлмаслигини, кишлққўжад бандлик ва фаровонлик нақадар муҳимлигини аглаган ҳолда, соҳага бозор иқтисодиёти тамойилларини жа-сорат билан жорий этишга киришди.

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон тари-хидида илк бор пахта ва галла бўйича давлат буюртмаси — режаси тўлиқ бе-кор қилинди. Фермерларга ерлардан эркин фойдаланиш, маҳсулотларни ўзлари хоҳлаган харидорларга бозор баҳосида сотиш ҳўқуқи берилди. Галла этиштирувчи дехқонлар учун биржа савдолари тизими жорий этилди. Бу бўғудой нарҳининг бозорда шақлани-шини таъминлаб, дехқонларнинг даро-мадини бир неча баробар оширди.

Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистонда мажбурий меҳнатдан фойдаланишга бўғунлай чек қўйилди. Ҳар ким ўз иши билан шўғуллансин, талабами, илм олсин, ўқувчим, мактабга борсин, дейилди. Халқаро меҳнат ташкилотини (ХМТ) ва "Cotton Campaign" коалиция-си Ўзбекистонда мажбурий меҳнат тўлиқ тугатилганини расман эълон қилди ва Ўзбек пахтасига нисбатан жорий этилган глобал бойкотни бекор қилди. Жаҳоннинг энг нуфузли бренд-лари ва савдо тармоқлари ўзбек тўқимачилик маҳсулотларини чекловларсиз харид қила бошлади.

Бу бир қарашда оддий туюлса-да, аслида беқиёс янгилик — Президент

Шавкат Мирзиёевнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган халқчил сиёсатининг меваси эди.

«Ақлли» кишлққўжалиги хосияти

Бугун замонавий кишлққўжалиги-ни рақамли технологияларсиз тасав-вур этиб бўлмайди. Ерларнинг шўрла-ниши, экинларнинг ривожланиши ва сув таъминоти ҳолати космик кузату-лару рақамли таҳлиллар асосида на-зорат қилинмоқда. Шунингдек, тармоқ-да мулкчиликнинг кластер тамойилии хомашени етиштириш, уни чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айланти-риш, даладан — дастурхонгача, пай-калдан — экспортгача тамойилини рўёбга чиқаришда асосий омил бўла-тир. Фермерлару олимлар, мутахас-сислару таъминотчилар бир ёқадан бoш чиқариб ишлайдиган тизим шакл-ланди ва пахтачилик бурунгидек хо-машё манбаи эмас, балки қўшимча қиймат яратиладиган, давлатга валю-та келтирадиган тизимга айланди. Пахтани чуқур қайта ишлаб тайёр калава ип, газлама ва кийим-кечак ишлаб чиқарувчи давлатга айлан-ган Ўзбекистонда мутлақо янги тўқимачилик санаоти вужудга келди, юз минглаб кишилар янги иш ўринларига эга бўлди. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарил-ган" тамгаси босилган таъминот маҳсулотларининг ривожланган давлатлар бозорига пайдо бўлганини айтмайсизми?!

Мева-сабзавот ва қорвачилик тармоқларида ҳам кластерлар буй қўрматмоқда. Бу, ўз навбати-да, аҳолини озик-овкат маҳсулот-лари билан таъминлаш, экспорт ҳа-мини ошириш, экспортбop маҳсулот-лар сифатини халқаро стандартларга етказишда муҳим ўрин тутмоқда.

Айни чоғда аграр тизимни замона-вий агротехнологиялару "ақлли" кишлққўжалиги тизимлари, дроплар ва бошқа рақамли ечимларсиз тасаввурга сиғди-риб бўлмайди. Замонавий иссиқхона-лар қурилиши мева-сабзавотларни йил давомида етиштириш имкониятини бераётир. Хомашени қайта ишлаш, қадоклаш, сақлаш ва логистика тизи-ми таъминлаштириш тадбирқорлар учун валюта топиш, қўшимча қиймат яратиш манбаига айланди.

Яна бир қувончли гап. Давлатимиз раҳбари тақдимотлару ҳудудларга та-ширфлари чоғида бошқа йўналишлар қатори аграр тармоқдаги ўзгаришлар, соҳа равнақига соя ташлаётган маса-лаларга хиддий эътибор қарматмоқда. Ишда илмий ёндашув зарурлиги, ҳалқ-ар таъриба бўлмаслиги, инновация-ларга таяниш лозимлиги тақрор ва тақ-рор айтиллапти. Камчиликлар тезкор-лик билан ўз ечимини топаётир. Ма-салан, глобал иқлим ўзгариши шаро-итида аънаваний эгтагил сўғориш ус-улларидан воз кечилиб, замонавий сув тежовчи технологияларни жорий қилиш кенг қўламда рағбатлантирилмоқда.

Пахта ва бошқа экинлар экиладиган миллионлаб гектар майдонларда том-чилиб сўғориш тизимлари пайдо бўлди. Бу сув сарфини 40 — 50 фоиз-гача тежайди, ўғитларни бевосита илдизга етказиш ва ҳосилдорлиқни 30 — 40 фоизга оширади. Галла ва озук экинлари учун ёмғирлиб сўғо-риш кенг жорий этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари иқтисодиётнинг барча тармоқлари қатори кишлққўжа-лигида ҳам рақамлаштириш устувор бўлиши, ҳар қарч ер назоратга оли-ниши, тулпроқ шўрланиши, экинларнинг ривожланиши ва сув таъминоти ҳо-лати космик кузатувлару рақамли таҳли-ларда акс этиши талабини қўйган ва бу ҳам соҳа тараққиётига катта туртки бераётир. Ўтган йиллар ичида пахта ва галладан бўшган 10 сотихдан 50 сотихгача ерлар 600 мингдан ортқ ишсиз ёшлар ва эҳтиёжманд оила-лар-

“Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистонда мажбурий меҳнатдан фойдаланишга бўғунлай чек қўйилди. Ҳар ким ўз иши билан шўғуллансин, талабами, илм олсин, ўқувчим, мактабга борсин, дейилди. Халқаро меҳнат ташкилотини (ХМТ) ва "Cotton Campaign" коалицияси Ўзбекистонда мажбурий меҳнат тўлиқ тугатилганини расман эълон қилди ва ўзбек пахтасига нисбатан жорий этилган глобал бойкотни бекор қилди. Жаҳоннинг энг нуфузли бренд-лари ва савдо тармоқлари ўзбек тўқимачилик маҳсулотларини чекловларсиз харид қила бошлади.”

га узоқ муддатли ижарага берилди ва бу кишлққў ахли учун бамисоли ҳазина эшикларини очди.

Эътиборлиси, аҳолига уруғлик, ўғит ва техникадан ёрдам бериш учун ма-ҳаллабай ва "маҳалла еттиллиги" тизи-ми сафарбар қилинди. Мазкур дастур юз минглаб янги иш ўринларини ярати-лишини, аҳолининг даромади ортши-ни ва ички бозорларда кишлққўжа-лиги маҳсулотлари нарҳининг барқар-ор бўлишини таъминлади.

Ўтган йил юртимиз соҳибқору бог-бонлари ўзлари етиштирган сархил мева-сабзавотларни дунёнинг 83 та мамлакатига экспорт қилди. Бу нафа-қат тадбирқорларга, балки мамлакат иқтисодиётига ҳам қўшимча валюта келтирди. Экспорт ҳисобидан катта маффаат топган ишбилармон кишилар лалимқор жойларда ҳам бог яратишга, интенсив дехқончиликни йўлга қўйи-шга астойдил киришди. Мана, сизга ис-тиқлол берган бебаҳо неъмат, беқиёс имконият!

Илм ва амалиёт уйғунлашса, тараққиёт тезлашади

Ёшлар учун беқиёс имкониятлар яратилаётгани, бу масала давлат сиё-сати даражасига кўтарилганини бир-гина Тошкент давлат аграр универси-тети мисолида ҳам кўриш мумкин. Янги бинолар, замонавий жиҳозлар, дунёнинг нуфузли олийгоҳларидаги каби шарт-шароитлар, таълим жара-ёнларида замонавий технологияларни самарали қўлаш, назария билан амалиёт уйғунлиги. Буларнинг барча-си истиклол туфайли, Янги Ўзбекис-тонда илм-фанга берилаётган эъти-бор шарофати. Президентимизнинг шу йил 11 апрелдаги "Тошкент давлат аг-рар университетини фаолиятини тақо-миллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эса университет илмий салоҳиятини оши-ришга, таълим жараёнида сунъий ин-теллектни янада кўпроқ жорий этиш-га, тадқиқотлар натижадорлигини таъ-минлашга туртки беради. Кечагина дипломни олгач, қаерга боришини, қайси корхонадан иш топишни бил-май юрган ёшлар, бундан буён та-лабалик чоғидаёқ ишлаб чиқариш жараёнида бўлади, олган билим-ларини амалиётда сынаб кўради. Шу орқали у то университетни битирувчана пишади, малакали мутахассисга айланган ҳолда дипломни бўлади. Бу ҳам асли-да янги давр талаби, замонага мос креатив фикрлаш, ислохотлар-нинг шунчаки ширдордан ҳаётга қучгани, одамлар турмушида акс этаётгани исботидир.

Ўзбекистон 2030 йилга қадар озик-овкат маҳсулотлари экспортини 10 млрд. доллардан ошириш, экспорт географиясини яна 100 та давлатга кенгайтиришни мақсад қилган. Яқин истиқболда "Рақамли кишлққўжали-ги" ягона интеграцион платформаси та-комиллаштирилиб, маҳсулот этишти-рувчиларга "бир дарча" тамойили асо-сида комплекс хизмат кўрсатиш тар-тиби йўлга қўйилди. Бундан ташқари, фермерларга субсидиялар ажратиш, имтиёзли кредитлар бериш, солиқ ен-гиликлари, сувдан оқилна фойдала-ниш, зарарқундаларга қарши кура-шиш ва озик-овкат маҳсулотларининг сифатини яхшилаш учун замонавий технологияларни жорий этиш давлати-миз эътибори марказиди.

Мақсад аниқ ва эзгу — олтинга тенг ҳар қарч ердан ўнумли фойдаланиш, илм-фан ютуқларига таянган ҳолда ҳосилдорлиғу маҳсулот сифати янада харидориги ва экспортбop бўлишига эришмоқ! Бу йўлда давлатимиз раҳбарининг даъваткор сўзлари, қим-матбаҳо маслаҳату тавсиялари барча-мизга дастуриламал бўлиши тайин.

Муҳаммадали САИДОВ,
Тошкент давлат аграр университети
профессори, иқтисодиёт фанлари
доктори.

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМ ЭТГАН ИМКОНИЯТ

Дарҳақиқат, авваллари ви-лоят санаоти қадда гапирил-ганда фақат йирик нефть-газ ва то-гон санаоти корхоналари тушунилган бўлса, бугун ишлаб чиқаришнинг бар-ча йўналишлари жадал ривожланмоқ-да. Масалан, тўқимачилик санаотини олайлик. Мамлакатимизда етиштирил-ган пахтанинг 14 фоиздан ошиғи Қаш-қадарё виллоятининг ҳиссасига тўғри келса-да, 2015 йилга қадар ҳудудда пахтани қайта ишлаш ва тўқимачилик соҳасида атиги 4 та корхона фаолият юритар эди. Ўтган йиллар мобайнида воҳада фақатгина толани қайта иш-лаш тармоғининг ўзида "LT Textile International", "Oqsaroy tekstil", "Bunyodkor textil", "Koson Бахт текстиль", "Sulton tex group", "Ilyum textile", "Shodlik textile", "Оқсарой

Vortex", "Миришкор Ратекс текстиль" каби яна ўналаб замонавий корхона-лар қурилиб, ишга туширилди.

Буни Косон туманидаги "Бунёдкор" масъулияти чекланган жамияти мисо-лида кўриш мумкин. Ҳукуматимиз то-монидан соҳага қартилган эътибор, тақдим этилган имтиёз ва имконият-лар мазкур жамият таъсисчиларини ҳам янги ташаббусларга илҳомлангир-ди. Натижада 2018 йилда корхонага хориждан қарийб 4 млн. АҚШ долла-ри ҳисобига йилгига 800 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга янги технологик ускуна ва дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди. Лойиҳанинг навбат-даги босқичи доирасида 2020 йилда умумий қиймати 190 млрд. сўмдан ортқ бўлган мато тўқиш ва тикув цехлари ишга туширилди. Ушбу янги ишлаб чиқариш субъектларида 200 тадан ортқ иш ўринлари яратилди.

2022 йилда эса корхона тасарру-фида йилгига 10 минг тонна пахта ёғи ишлаб чиқариладиган яна бир завод қурилиб, фойда-ланишга топши-рилди. Бугунги кунда биргина ушбу корхона та-сарруфидаги за-водларда икки мингга яқин киши-лар доимий иш билан таъминлан-ган.

Ёки "Sulton Tex Group" масъулияти чекланган жамиятини олайлик. 2017 йилда ташкил этилган ушбу кор-хонаниннг фаолияти кластер аслида қандай бўлиши кераклигини амалда кўрсатиб турибди. Негаки, тадбирқор-лик субъектида пахта етиштириш ва уни чуқур қайта ишлашнинг тўлиқ "саноат занжирини" яратилган.

Кластер дастлаб пахта етиштири-ни йўлга қўйиб, 7 млн. АҚШ долларини эвазига калава ип ишлаб чиқариш корхонасини ишга туширган бўлса, 2018 йилда мато тўқиш, 2019 йилда эса тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқариш фабрикаларини ишга тушир-ди. 2020 йилда жамият тасарруфида йилгига 30 минг тонна чигитни қайта ишлаш қуввати фойдаланишга топши-рилди. Шунингдек, 2020 — 2025 йил-лар давомида "Sulton Tex Group" МҲЖ томонидан виллоятнинг яна қатор ҳудудларида замонавий тикув-трико-таж корхоналари қурилиб, ишга ту-ширилди.

Бу каби йирик лойиҳалар шарофа-ти туфайли 2024 йилдан бошлаб ви-лоятда етиштирилган тола тўлиқ шу ернинг ўзида қайта ишланмоқда. На-тижада калава ип ишлаб чиқариш да-ражаси 85 фоизга, уни матога ай-ланштириш кўрсаткичи эса 35 фоизга етказилди. Бундан ташқари, матони чуқур қайта ишлаш, яъни тайёр маҳ-сулот ишлаб чиқариш тармоғида ҳам қўлаб янги лойиҳалар амалга оши-рилди. Айни пайтда виллоятда матони бўяш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кор-хоналар сони 224 тага етди. Ўтган 2025 йил давомида улар томонидан 75 млн. донадан ошққ тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқарилди.

"Дехқонобод текстиль" ҳам бу борада муваф-қият қозонаётган корхона-лардан бири ҳисобланади.

— Фабрикамиз 2023 йил-да ишга туширилган эди, — дейди иш бошқарувчи Ҳасан Умаров. — Айни пайтда бу ерда йилгига қарийб 1,5 млн. донадан ошққ эркаклар, аёллар ва болалар кийим-кечаклари тайёрланмоқда. Бу фао-лият ортидан эса ҳудудда-ги 500 нафар хотин-киз доимий иш билан таъмин-ланган.

Шунингдек, виллоятда санаотнинг озик-овкат, ноозик-овкат, электротех-ника тармоқлари ҳам жадал ривож-ланмоқда. Қарши шаҳрида фаолият юритаётган "Alp texno servis" хусусий корхонаси бунга яққол мисол.

2016 йили виллоятда илк марота-ба шу ерда телевизор ишлаб чиқа-риш йўлга қўйилган эди. 2018 йил-дан уларнинг ўлчамини 49 дюмга етказилган бўлса, 2020 йилдан 55 ўлчамгача бўлган ва "Smart" функ-цияли энг замонавий телевизорлар маҳаллий ва хорижий бозорларга чи-қарилмоқда.

2022 йилда эса Қарши шаҳридаги "Буюк Турон" кичик санаот зонасида "Alp Texno Servis" хусусий корхонаси-нинг йирик ишлаб чиқариш заводи фойдаланишга топширилди. Бу ерда замонавий телевизорларнинг 32, 43, 50, 55, 65 дюмли моделлари (шу жум-ладан, янги авлод "ақлли" телевизор-лар) яратилмоқда.

— Ҳозирга келиб корхонада ойига 10 минг донадан зиёд телевизорлар



ишлаб чиқарилиб, уларнинг етмиш фоиздан ортиғи экспорт қилинмоқда, — дейди корхона раҳбари, "Шухрат" медали соҳибини Шухрат Муратов. — Қолган 30 фоизи эса ички бозорга йўналтириллапти. Шунингдек, корхо-намизда "TCL" ва "HOFMANN" каби дунёга машҳур брендлар учун элект-рон палатлар тайёрлаб бериш йўлга қўйилган.

Ҳудуд иқтисодиётида улуши юқори, энг кўп иш ўринлари яратилган соҳа-лардан бири хизматлар бозори ҳисоб-ланади. 2017 йилда виллоятда хизмат-лар ҳажми 12 трлн. 278,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилда 54 трлн. 118 млрд. сўмга етди. Бу қарийб 4,4 баробарлик ўсиш, демек-ди. Банк-молия, транспорт, алоқа, ахборот технологиялари, таълим, тиб-биёт, туризм, умумий овқатланиш ва маиший хизматлар тармоғининг кен-гайиши иқтисодиётда хизматлар улу-шини оширди.

— Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, айниқса,

соғлиқни сақлаш тизимида хусусий секторни ривожлантириш йўлидаги ислохотлар бизнес ташаббусини амалга оширишга ундади, — дейди Косон туманидаги "Elmed" хусусий клиникаси раҳбари Моҳира Мирзае-ва. — Уч йил аввал 2 млрд. сўмга яқин банк кредити ҳамда ўз маблағлари-миз ҳисобидан янги клиника биносини қуриб, ишга туширдик.

Моҳира Мирзаеваниннг таъкидлаши-ча, тиббий хизмат кўрсатишда ҳам энг илғор технологиялар ва малакали хо-димларсиз натижага эришиб бўлмай-ди. Шу боис касалликларни эрта аниқ-лаш ва даволаш имконини берадиган энг замонавий тиббий технология қо-суналар харид қилинди. Юқори мала-кали ходимлар жалб этилган. Мана шу жиҳатлар бугун миқозлар ишончини қозонишда қўл келаяпти.

— Айни пайтда клиникада барча турдаги гинекологик, ички касаллик-лар текширув, лаборатория, физио-терапия муолажаси, массаж, кундуз-ги даволаш ҳамда микрожарроҳлик хизматлари мавжуд, — дейди у. — Шу билан бир қаторда, юртимиздаги етакчи тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда яна қатор касалликлар бўйича текширувлар ҳам ташкил этиб келаяпти.

Бугун Президентимиз ташаббуси би-лан тадбирқорликни ривожлантиришга қаратилган эътибор, қулай ишбилар-монлик муҳитининг яратилиши ўзининг ана шундай самарасини берапти. Пи-ровозарда ҳудудларнинг иқтисодий са-лоҳияти ошиб, одамларнинг ҳаёти фар-овонлашиб бораётгани айни ҳақиқат. Қашқадарё виллоятининг шахару кишлққў-ларини айланиб, у ердаги ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларига ғувох бўлган ҳар бир киши буни қалбдан ҳис этади.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

Собир НАРЗИЕВ олган суратлар.

Шу йил 1 сентябрдан бошлаб Вақтинчалик бошпана ва ижтимоий тикланиш марказларига бошпанасиз шахслар уларнинг розилиги билан жойлаштирилади.

Халқ сўзи

Народное слово</